

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Валиев Бобур Батирович
иқтисодиёт фанлари доктори,
Жамоат хавфсизлиги университети профессори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида¹⁷⁵ молия бозорини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган. Жумладан, мамлакатимизда бизнесни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун аввло ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати 6 фоиздан кам бўлмаган даражада бўлишини, инвестициялар эса ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан камида 30 фоиз бўлишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Шунинг учун, иқтисодиёт тармоқларида қиймати 18 миллиард доллар бўлган 309 та йирик лойиҳалар ишга туширилиши, йиллик инфляция даражаси 9 фоизгacha ва фискал тақчиллик 4 фоизгacha бўлиши таъминлаш юзасидан ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бизнесни қўллаб-қувватлашда миллий иқтисодиётда аввало молия бозорини ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришга қўшимча молиялаштириш манбаларини йўналтириш талаб этилади. Шу боис, 2024 йилда республикамизда «Яшил кредитлар»ни жалб қилиш ва молия бозорини тартибга солишда ESG тамойилларини жорий қилиш бўйича ишлар амалга оширилиши кутилмоқда. Банкларнинг кредит портфелларини диагностика қилиш ва декарбонизация бўйича устуворликларни аниқлаш ва ESG рискларини бошқариш учун консалтинг компанияларини жалб қилиш лозим. Бунда банкларнинг кредит ва инвестицион портфелларини «яшиллаштириш», халқаро миқёсда банкларнинг мавқенини ошириш, халқаро молия институтлари ҳамда яшил иқлим жамғармаси орқали иқлимини молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Истиқболда Ўзбекистонда молия бозорини ривожлантиришда банк тизимида ислоҳотларни жадаллаштириш, банк хизматлари бозори ҳажмини ошириш ва соҳада рақобатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Миллий иқтисодиётда 2030 йилгача банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш вазифалари белгиланган.

¹⁷⁵ <https://lex.uz/docs/6811936>

Банкларни хусусийлаштириш ва давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини жалб қилиш қутилмоқда. Банкларга халқаро тан олинган минимал стандарт ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрлар ва назорат базаларини такомиллаштириш, камида 3 та тижорат банкларида ислом молияси мезон ва тартибларини жорий этиш, ислом молиясининг қонуний асосларини шакллантириш бўйича ҳам устувор мақсадлар белгиланган.

Илмий тадқиқотларда ҳам молия бозорининг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти очиб берилган. Жумладан, акция бозори савдо айланмасининг ЯИМга нисбатан анча пастлиги унинг (акция бозорининг) инфратузилмаси такомиллашмаганлигидан ва мамлакат иқтисодиётида сезиларсиз аҳамиятга эгалигидан, у бугунги кунда давлатнинг макроиқтисодий сиёсати контекстида ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт ўсишини стимуллаштириш, инфляцияни пасайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш мақсадида молиявий ресурсларни жалб этишнинг асосий механизмларидан бири ҳисобланмаслигини кўрсатиши ифода этилган.¹⁷⁶

Ўзбекистонда капитал бозорини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини такомиллаштириш, инвесторларни капитал бозорига жалб этишни рағбатлантириш, чет эл инвесторлари учун маҳаллий фонд бозорида қатнашиш тартибини соддалаштириш ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖнинг қимматли қоғозларни ҳисобга қўйиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва сақлаш ҳамда қимматли қоғозлардаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолияти қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан, қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича пулдаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича фаолияти Марказий банк томонидан тартибга солинади.

Миллий иқтисодиётда 2028 йил 31 декабрга қадар «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» АЖ, «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ ва «Тошкент» республика фонд биржаси» АЖ маблағларни мақсадли равишда уларни ривожлантиришга йўналтирган ҳолда дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилинган. Юртимизда молия бозорини ривожлантиришда фуқароларга жамғарib бориладиган ихтиёрий пенсия бадалларини маҳаллий фонд бозоридаги қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтириш ҳуқуқини тақдим этилди, қимматли қоғозларнинг олди-сотдисидан олинадиган ва дивиденд (фоиз) шаклидаги қўшимча даромадлар фуқаролар томонидан пенсия ёшига етгунга қадар ҳам мустақил тасарруф этилиши мумкин;. Акциялар оммавий жойлаштирилганда корхоналар ходимлари корхона томонидан жорий

¹⁷⁶ Шоҳаъзамий Ш.Ш. Системное развитие рынка ценных бумаг в регулятивной взаимосвязи с реальной экономикой / Монография. – Т.:Fan va texnologiya, 2012. -3-стр.

қилинган ўз ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси (ESOP) доирасида уларга ушбу акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуқни тақдим этила бошланди. Бунда, уларнинг акцияларни сотиб олишга йўналтирадиган ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларидан ошмайдиган маблағлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОВРЕМЕННОЙ ФИНТЕХ-ИНДУСТРИИ

Загребельская Милена Владимировна

*Филиал Российского государственного университета нефти
и газа им. И.М.Губкина в городе Ташкенте, PhD, доцент,*

Отто Ольга Эдгаровна

*Филиал Российского государственного университета нефти
и газа им.И.М.Губкина в городе Ташкенте, к.э.н., доцент*

В условиях современных реалий мы наблюдаем глобальное изменение существующей технологической структуры и переход к Индустрии 4.0 и цифровой экономике. Цифровой прорыв в финансовом секторе возник в результате развития финансовых технологий. Термин «финтех» относится к технологическим инновациям, появившимся в финансовой системе в последние годы, которые являются новыми инструментами предоставления финансовых услуг. Эти инновации нарушили традиционные модели финансирования, сделав финансовые операции более безопасными за счет уменьшения пространственно-временных ограничений.

По мнению международных исследователей, технологическая основа цифровой экономики и, как результат, финтех-индустрии, в качестве ключевого компонента новой экономической модели, будет состоять из нескольких базовых сквозных технологий: телекоммуникационные технологии, Big Data, Интернет вещей (Internet of Things), промышленный интернет и искусственный интеллект. В дополнение к этому, междисциплинарные технологии включают нейротехнологии, системы распределенного реестра, квантовые технологии, новые производственные технологии, компоненты робототехники и сенсорику, а также технологии виртуальной и дополненной реальности. Многие финтех-стартапы разрабатывают интересные концептуальные решения, которые в настоящее время невозможно масштабировать и реализовать на современном уровне развития инфраструктуры.

Как отмечают специалисты, 2023 год был трудным для мирового рынка финансовых технологий: общий объем инвестиций в финтех-индустрию составил 113,7 млрд долларов США – это самые низкий показатель с 2017 года. Среди основных глобальных проблем таких низких